



**TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS**

VOLUME 7 / 2024

LABOR ECONOMICS

MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ilmiy elektron jurnali

**LABOUR ECONOMICS AND
HUMAN CAPITAL**

scientific electronic journal

2024 yil 1-son

Volume 7, Issue 1, 2024



**МЕХНАТ ИҚТISODIYOTI
VA INSON KAPITALI**
ISSN: 3030-3117



LABORECONOMICS.UZ

МЕХНАТ ИҚТISODIYOTI VA INSON KAPITALI

№ 1-2024

**ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ
КАПИТАЛ**

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro‘yxatga olingan.

Muassis: “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

Tahririyat manzili:

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi,
49 uy

Elektron manzil: ilmiymaktab@gmail.com

Jurnal web-sayti: www.laboreconomics.uz

Bog‘lanish uchun telefonlar:

+998998818698

Tahririyat Kengashi raisi:

(Chairman of the Editorial Board)

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

Tahririyat Kengashi a'zolari:

(Members of the Editorial Board)

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.
Yusupov Axmadbek Tadjiyevich, i.f.d., prof.
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof
Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof
Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.
Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.
Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d, prof.
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.
Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.
Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d., prof.
Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.
Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)
Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.
Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.
G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.f.d., (PhD), dots.
Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

Jamoatchilik Kengashi a'zolari:

(Community Council members)

Bred Bodenxauzen (AQSh)
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)
Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)
Keynz Miller (AQSh)
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)
Masato Xivatari (Yaponiya)
Gerxard Feldmayer (Germaniya)
Eko Shri Margianti (Indoneziya)
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)
Rohana Ngah (Malayziya)
Sharifah Zanniyerah (Malayziya)
Teguh Dartanto (Indoneziya)
Nur Azlinna (Saudiya Arabistoni)
Muhammed Xoliq (Pokiston)
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief): G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

Veb-administrator (Web admin): Musayev Xurshid Sharifjonovich

MUNDARIJA (CONTENTS)**MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI**

| | | |
|---|--|--------|
| G.K.Abduraxmanova S.B.G'oyipnazarov S.P.Qurbonov | <i>Mamlakat aholisini unumli bandlik darajasini oshirish mexanizmini takomillashtirish</i> | 7-18 |
| B.E.Mamaraximov | <i>Ishchi kuchini takror ishlab chiqarish yoshlar bandligini ta'minlash omili sifatida</i> | 19-25 |
| A.A.Yadgarov | <i>Agrar tarmoqni sufgurtalashda mалаkali кадрлар тайёрлаш ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари</i> | 26-32 |
| S.P.Qurbonov | <i>O'zini o'zi band qilishda zaif bandlikdan unumli bandlik sari transformatsion jarayonlar</i> | 33-45 |
| N.R.Saidov | <i>Yangi ish o'rinlarini tashkil etishga investitsiyalar ta'sirini ekonometrik tahlili</i> | 46-56 |
| F.O'.Masharipov | <i>Meʼnat bozorida хусусий сектор эҳтиёжи асосида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш: муаммолар ва ечимлар</i> | 57-70 |
| S.M.Kurbanbayeva | <i>Квалификационные рамки в современном образовании и рынке труда</i> | 71-80 |
| I.X.Xuvaydullayeva | <i>Миллий меҳнат бозорида инсон ресурсларидан самарали фойдаланишни имкониятлари</i> | 81-90 |
| G.R.Kuziyeva | <i>O'zbekistonda raqamlashtirish va ta'lim orqali mehnat unumdorligini oshirishning miqdoriy tahlili</i> | 91-101 |

INSON KAPITALI

| | | |
|---|---|---------|
| A.B.Irmatova A.M.Saidahmadov | <i>Raqamli iqtisodiyotda inson kapitalini rivojlantirishda o'qitish tizimi</i> | 102-117 |
| S.M.Dusanov | <i>Таълим тизимида молиявий ресурслар самарадорлигини оширишнинг ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари</i> | 118-134 |
| I.I.Ergashev | <i>Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш услубиёти</i> | 135-145 |
| Sh.A.Xodjayeva | <i>Основы формирования и функционирования маркетинговой деятельности высших образовательных учреждений</i> | 146-159 |

| | | |
|---|--|---------|
| M.R.Babadjanova | <i>Иқтисодий категория сифатида инсон капиталининг моҳияти ва унда таълимни ўрни</i> | 160-172 |
| D.B.G'aniyeva | <i>Ходимларни ўқитиш ва ривожлантиришнинг дастурларининг самарадорлигини баҳолаш муаммолари</i> | 173-184 |
| INSON TARAQQIYOTI | | |
| D.I.Iskandarova | <i>O'zbekistonda aholi daromadlari va unga ta'sir etuvchi omillar tahlili</i> | 185-194 |
| KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH | | |
| M.X.Fayziyeva | <i>Kambag'allikni qisqartirishga raqamli texnologiyalarning ta'siri</i> | 195-210 |
| INSON RESURSLARINI BOSHQARISH | | |
| M.Sh.Xaydarova | <i>Использование автоматизации и искусственного интеллекта в управлении человеческими ресурсами: тренды и ожидания</i> | 211-221 |
| M.M.Xolmatov | <i>Inson resurslarini samarali boshqaruvida inson kapitalini rivojlantirish</i> | 222-232 |
| G.Q.Mo'ydinova | <i>O'zbekistonda to'qimachilik korxonalarining rivojlanish holati va ularda xodimlarni boshqarish tendensiyalari tahlili</i> | 233-238 |
| O.I.Rasuljonov | <i>KPI – xodimlar faoliyati samaradorligini baholashning zamonaviy tizimi</i> | 239-246 |
| TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH | | |
| S.U.Ismailova D.U.Adilova | <i>Теоритические основы развития стратегии цифрового маркетинга на рынке сферы услуг и туризма</i> | 247-254 |
| Z.M.Jabborova | <i>Jizzax viloyatida kichik biznes va tadbirkorlikda mehnat munosabatlarining rivojlanishi holati</i> | 255-263 |
| S.S.Mamatqulov D.I.Iskandarova | <i>O'zbekistonda tadbirkorlikni innovatsion rivojlantirish asosida aholi farovonligini yuksaltirish yo'llari</i> | 264-274 |
| M.Sh.To'xtayeva | <i>Platformalarda informatsion xaritalar – aholi tadbirkorlik qobiliyatini rivojlantiruvchi vosita sifatida</i> | 275-282 |
| T.A.Urkinbayev | <i>Влияние реформ в сфере туризма на рост экономики Узбекистана и развитие предпринимательства</i> | 283-292 |

| | | |
|-----------------------|--|---------|
| D.A.Vahobov | <i>Кичик бизнес субъектлари фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш</i> | 293-305 |
| Z.Dj.Adilova | <i>Factors and assessment methods in the development of HR branding: foreign experience</i> | 306-314 |
| GENDER TENGLIK | | |
| O.U.Oxunova | <i>O'zbekiston mehnat bozorida gender tengligi: muammolar va islohotlar</i> | 315-324 |



МЕХНАТ ИҚТISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ISSN: 3030-3117

<https://laboreconomics.uz/>



КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ИНФРАТУЗИЛМАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ваҳобов Даврон Абдужалолович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

мустақил тадқиқотчиси

DOI: https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a80

Аннотация. Ушбу мақолада кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг самарали ташкил этишда инфратузилма омилларини инобатга олиш лозимлиги исботланган. Унда асосий эътибор кичик бизнес субъектлари фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлашда хўжалик юритувчи субъектлар ва инфратузилма мажмуаси иштирокидаги операцияларни тартибга солувчи ва рухсат берувчи институтларнинг бошқарув функцияларини амалга оширишнинг узлуксиз жараёни сифатида улардаги ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашни таъминлаши ҳамда давлат ва хусусий сектор учун ижобий натижаларга эришиши тадқиқ этилган. Тадқиқот натижасида кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш механизми таклиф этилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес субъектлари, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш

IMPROVING THE INFRASTRUCTURAL SUPPORT SYSTEM OF SMALL BUSINESS ENTITIES

Vahobov Davron Abdjalolovich

Independent researcher of

Tashkent State University of Economics

Abstract. This paper proves that infrastructure factors should be taken into account in the effective organization of the state support system for small business entities. Paper focuses on the infrastructural support of the activities of small business entities, which regulates and authorizes the operations of the economic entities and the infrastructure complex, as a continuous process of implementation of management functions, ensures the distribution and redistribution of resources in them, and achieves positive results for the public and private sectors. As a result of the study, a mechanism for improving the state infrastructural support system for the activities of small business entities was proposed.

Key words: small business entities, state support, infrastructural support of small business activities

Кириш

Ўзбекистоннинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишлари кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий ҳамда ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, кичик бизнес субъектлари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишни тақозо этади.

Амалда бизнес фаолиятини бошлашнинг учта асосий усули мавжуд. Биринчидан, тадбиркор тайёр компания (бизнес)ни сотиб олиши мумкин, иккинчидан, франчайзингга сармоя киритиши мумкин, учинчидан эса, ўз бизнес фаолиятини нол(янги)дан бошлаши мумкин. Фаолиятини эндигина йўлга қўядиган субъектларлар учун ривожланган инфратузилмага эга бўлиш айниқса муҳимдир, чунки бизнес фаолиятини нолдан бошлаш энг қийин босқич ҳисобланади.

Назарий ва амалий нуқтаи назардан ҳар қандай бизнес ғоя билан бошланса-да, лекин тадбиркор бизнес фаолиятини қандай қилиб тўғри ташкил этиш, бошланғич капитални қаердан олиш, арзонроқ офис ёки омборни ижарага олиш ҳақида тасаввурга эга бўлмаса, бу ғояни амалга ошириб бўлмайди.

Кичик бизнес алоҳида ривожланмайди. Унинг ривожланишига турли омиллар таъсир кўрсатиб, кичик бизнес уларни ҳисобга олишга мажбур. Шу нуқтаи назардан кичик бизнес ривожланишининг умумий ва ўзига хос шарт-шароитларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Умумий шартшароитлар, энг аввало ташқи муҳитнинг унга кўрсатадиган таъсирига боғлиқ. Булар жумласига иқтисодиётнинг умумий ҳолати, бозор конъюнктураси, ижтимоий муҳит, тегишли инфратузилманинг мавжудлиги ва бошқаларни киритиш мумкин. Бироқ бу шароитлар ҳар бир мамлакатда турли даражада мавжуд бўлиб, улар кичик бизнес ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб беради. Шу сабабли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига баҳо беришда мажмуавий ёндашиш мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун давлат, нодавлат, жамоат, таълим, тижорат ташкилотларининг тўғридан-тўғри нормал турмуш шароитини ва умуман кичик бизнеснинг такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи мажмуи бўлган кичик бизнесни инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизмини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг таъсирчан воситаларидан бири соҳа инфратузилмасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришдир. Бизнинг фикримизча, кичик бизнес субъектлари фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш – бу хўжалик юритувчи субъектлар ва инфратузилма мажмуаси иштирокидаги операцияларни

инфратузилмани қўллаб-қувватлаш механизмлари асосида тартибга солувчи ва рухсат берувчи институтларнинг бошқарув функцияларини амалга оширишнинг узлуксиз жараёни бўлиб, у ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашни таъминлайди, ҳам давлат ҳам хусусий сектор учун ижобий натижаларга эришишга ёрдам беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Бугунга қадар кичик бизнес субъекларини давлат томонидан тартибга солиш муаммоларига қаратилган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу тадқиқотларнинг кўпчилигида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг айрим жиҳатларинигина кўриб чиққанлар. Бундан ташқари, Ўзбекистон иқтисодиётига мослаша оладиган ўхшаш географик ва иқтисодий позицияга эга бўлган мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурлари мукамал ва тизимли равишда ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан тадқиқотда кичик бизнес субъектларининг фаолиятнинг турли босқичларида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг тартибга солиш шаклидан қониқиш даражасини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодчи олимлар Руми ва Ҳуссаинлар КБСлари учун давлат томонидан тартибга солиш шаклини уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ва аксарият ҳолларда муваффақиятсизликка олиб келадиган омил сифатида ўз тадқиқотларида хулосага келдилар. Масалан, давлатнинг импорт ўрнини босиш стратегиясини амалга ошириш орқали кичик бизнес субъектлари фаолиятини тартибга солиш сиёсати бундай корхоналарнинг асосан маҳаллий бозорларга эътибор қаратишга ва натижада, экспорт хажмининг камайиб кетишига олиб келиши мумкин.

Яна бир манбада, тартибга солувчи турли давлат институтлари ёки қатъий тартибга солувчи муҳит кўпинча коррупция ва порахўрлик билан боғлиқ қўшимча харажатларни юзага келтириши мумкинлиги асосланган.[1]

ХМТ ҳисоботида, институционал молиялаштиришдан фойдаланиш имконияти йўқлиги кўплаб ривожланаётган мамлакатларда КЎБ ривожланиши учун асосий тўсиқдир.[2]

Яна бир иқтисодчи олим Нгвуонугу, кредит олиш имконияти ва венчур капиталининг етишмаслиги Нигерияда КЎБнинг заиф ўсиши ва ривожланишига сабаб бўлган омиллар эканлигини аниқлади.[3]

Соҳада тадқиқот олиб борган иқтисодчи олимлар Ганеш ва Мехталар ўз тадқиқотларида кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ўсиши ва ривожланишига ходимларнинг технологик билимларининг етишмаслиги ҳамда корхоналарнинг замонавий технологиялар билан жиҳозланмаганлиги тўсиқ бўлаётгани билан изоҳлайди.[4]

Иқтисодчи олим Левининг Жаҳон банки конференциясига тақдим этган маърузасида кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиши ва

рақобат курашини енгиб чиқиши учун етарлича тадқиқот ва ишланмалар ҳамда инновацияларга кўпроқ эътибор ва маблағ ажратиш лозимлигини таъкидлаб ўтади.[5] Юқорида шарх этилган манбалар ва тадқиқотчиларнинг илмий натижаларидан кичик бизнес субъектларини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш зарурлигини хулоса қилиш мумкин.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда бир қатор онлайн маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ўз аксини топган кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг инфратузилмавий ҳиқатлари ҳамда бу соҳа самарадорлигини ошириш учун мукамал механизм ишлаб чиқиш масалаларига таалуқли эмпирик ва концептуал тадқиқотлар ўрганилди ва улардаги илмий ёндашувлар тизимлаштирилди. Шунингдек, тадқиқот ишида тизимли таҳлил, мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар

Кичик бизнесни субъектларини фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлашнинг мақсади кичик бизнес субъектлари учун турли хизматлар ва қўллаб-қувватлаш шаклларида фойдаланишни ташкил этиш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш ва молиявий ресурсларни оқилона тақсимлашда кўмак бериш ҳамда фаолиятдан максимал даромад олишларида ижтимоий-молиявий қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлашнинг асосий вазифаси кичик бизнес корхоналари, ташкилотлар, муассасалар билан ўзаро алоқаларни таъминлашдан иборат.

Назарий жиқатдан кичик бизнес субъектларини инфратузилмавий қўллаб-қувватлашнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланишнинг оқилона механизмларини ишлаб чиқиш ва қўллашни бошқариш ва назорат қилишни таъминловчи давлат органлари.

- кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар (жамғарма ва фондлар, кредит, суғурта, кафолат ва лизинг муассасалари; технопарклар, бизнес-инкубаторлар, инновацион ва хизмат кўрсатиш марказлари, махсус саноат зоналари; таълим, консалтинг, ахборот ва бошқа хизмат кўрсатиш тузилмалари);

- тадбиркорларнинг жамоат бирлашмалари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар. Фақатгина ушбу асосий таркибий элементларнинг комбинацияси мамлакатда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун тўлиқ, кўп даражали инфратузилмани

шакллантиришни таъминлаши мумкин. Турли йўналишлар бўйича инфратузилма элементларининг қанчалик кўплиги кичик бизнес субъектлари фаолияти кўламининг шу қадар кенглиги ва ривожланиши билан изоҳланади. Шундай экан, КБС фаолияти учун инфратузилмани ривожлантириш доимий жараён бўлиб, у хизматларнинг ихтисослашуви ва кенгайиши ҳамда сифатини яхшилашга қаратилган бўлиши керак.

Кичик бизнес субъектларини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизими асосан соҳа фаолиятини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишга қаратилган барча инфратузилмавий ёрдам турларини, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, тадбиркорликни ривожлантириш давлат жамғармаси, Савдо-саноат палатаси, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, тижорат банклари, баҳолаш ташкилотлари, инвестиция фондлари ва биржалар, аудиторлик, депозитарийлар, суғурта компаниялари, экспорт-импорт компаниялари, ахборот-консалтинг фирмалари, давлат хизматлари марказлари томонидан бериладиган ёрдамларни назарда тутди. Жумладан, КБСни ривожлантириш, турли дастурларни амалга ошириш, давлат эҳтиёжлари учун ишлар ва хизматлар товар ижроси учун буюртмаларни жойлаштириш, кредит хужжатларини расмийлаштириш, рўйхатдан ўтиш, лицензиялаш, сертификатлаш ва ҳ.к.[6]

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши кўп жиҳатдан унга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси тармоқларининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Бироқ Ўзбекистонда моддий-техника ресурсларининг улгуржи ва чакана савдоси, лизинг, консалтинг, инжиниринг ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш бўйича ўзаро рақобат асосида фаолият юритаётган турли мулк шаклидаги кўплаб корхоналарнинг мавжуд эмаслиги мазкур сектор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур ташкилотларнинг маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш шаклида техник ёрдам кўрсатиш, инфратузилма объектларини ривожлантиришга кўмаклашиш, олинadиган кредитлар ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари учун кафолатлар, мажбуриятлар ва кафилликлар бериш соҳасидаги ишларини фаоллаштириш лозим.

Тадқиқот давомида кичик бизнес субъектлари фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантиришга қуйидаги тарзда таснифланган бир қатор омиллар тўсқинлик қилаётганлиги аниқланди ва улар йўналишлари бўйича таснифланди (1-жадвал).

Кичик бизнес субъектларини инфратузилмавий қўллаб-қувватлашни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар

| Йўналишлар | Омиллар |
|-----------------------|--|
| Ишлаб чиқариш | ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг пастлиги, асосий фондларни янгилаш суръатларининг пастлиги; саноат инфратузилмаси объектларини ривожлантириш учун ягона буюртмачининг йўқлиги; саноат инфратузилмасини ривожлантиришнинг қолдиқ принципи ва бошқалар. |
| Кадрларга оид | кичик бизнес учун мутахассисларнинг етишмаслиги; инсон капитали ривожланишининг паст даражаси; меҳнат бозоридаги номутаносиблиги ва бошқалар. |
| Иқтисодий | тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш механизмларининг йўқлиги; солиқ тизимининг номукамаллиги; бизнес тузилмаларида маркетинг фаолияти ривожланмаганлиги; корхоналарнинг паст инновацион фаоллиги; кўпгина ҳудудларда инвестиция фаолияти бўйича ягона координаторнинг йўқлиги; кредит фоизларининг юқорилиги; венчур фондлари маблағларидан паст даражада фойдаланиш; давлат-хусусий шериклик механизмининг ривожланмаганлиги. |
| Институционал-ҳуқуқий | кичик бизнес соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базанинг номукамаллиги; ҳудудга кириш ва лойиҳани амалга оширишда маъмурий тўсиқларнинг мавжудлиги (тасдиқлаш ва рухсатномалар); инвестиция қонунчилигининг номукамаллиги ва бошқалар. |
| Ахборий | кичик бизнесни ахборот билан таъминлаш тизимининг ривожланмаганлиги; маслаҳат ва ахборот таъминоти ва ўқитишни ташкил этишнинг номукамаллиги ва бошқалар. |

Омилларнинг ушбу таснифи турли ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш бўйича йўналишлар ва чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.


Амалий нуқтаи назардан, КБСни инфратузилмавий шарт-шароитлар, имкониятларидан самарали фойдаланишда кичик бизнеснинг заиф мол-мулк базаси, кредит шартномасига кўра мажбуриятларни амалга оширишдаги камчиликлар, бизнес даромадлилик даражаси ва кредит ресурси тўлов ставкаси орасидаги юқори фарқ туфайли юзага келадиган кредит олиш билан боғлиқ муаммолар, гаров таъминоти учун банкларнинг юқори талаблари, тадбиркорларни бозорда ўрнини топишигача қиладиган катта ҳаражатлари, шунингдек нотурар бинолар учун юқори ижара ҳақи, малакали кадрларни етишмовчилиги, минтақавий, ҳалқаро бозорларда товар ва хизматларнинг нархи ўзгариши ва олиб чиқиш билан боғлиқ

муаммолар, КБСга оид саволларга маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан етарлича жавоб олинмаслиги каби айрим институционал тўсиқ чегараларининг мавжудлиги келажакда КБСни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотида олиб борилган кичик бизнесни ривожлантириш муаммоларининг таҳлили шуни кўрсатдики, кичик бизнес субъектларини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимининг самарадорлигига таъсир этувчи асосий муаммолар икки сабаб билан боғлиқ. Биринчидан, айрим ҳудудларда кичик бизнеснинг инфратузилмаси ҳар доим ҳам кичик бизнес субъектларининг эҳтиёжларига мос шакллантирилмайди, бунинг натижасида улардан такрор ишлаб чиқариш жараёни сифатида фойдаланишда қийинчиликлар юзага келади. Иккинчидан, кичик бизнес субъектлари кўпинча яратилган инфратузилма объектларидан нораціонал фойдаланади.

Бундан ташқари, тадқиқот жараёнида маҳаллий тадқиқотларда кичик бизнес субъектлари фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлашнинг типик тузилмаси ишлаб чиқилмаганлиги аниқланди. Шу боис, кичик бизнес субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг тўлиқ ва самарали фаолият кўрсатишига ёрдам берадиган турларини аниқлаш керак бўлди. Шунингдек, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини турларини уларнинг фаолият даврининг турли босқичларида – фаолиятни йўлга қўйишдан то фаолиятни тугатишгача бўлган даврга қараб тақсимлаш алоҳида қизиқиш уйғотади. Шунга мувофиқ, диссертацияда тадбиркорлик фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги таркибий - функционал модели ишлаб чиқилган (1-расм).

Ушбу модел кичик бизнес субъектлари фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш элементларини ва улар ўртасидаги муносабатларни тадбиркорлик фаолиятининг турли босқичларига қараб мазмуан очиб беради. Яъни, фаолиятни йўлга қўйиш босқичида моддий, молиявий, институционал инфратузилма биринчи даражали аҳамиятга эга, ўсиш босқичида - ижтимоий ва маркетинг инфратузилмаси, етуклик босқичида - инновацион ва технологик, ахборот ва консалтинг инфратузилмаси ҳамда пасайиш босқичида - институционал, ахборот-консалтинг, маркетинг инфратузилмаси муҳим аҳамият касб этишини ифода этади.



1-расм. Кичик бизнес субъектларини инфратузилмавий қўллаб қувватлашнинг таркибий-функционал модели [7]

Бунинг мазмуни шундаки, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш босқичи тадбиркорлик тузилмасини шакллантириш билан тавсифланади, бу билан боғлиқ ҳолда у моддий шароитларни таъминлаш, ишлаб чиқаришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлашни талаб қилади.

Ушбу модел кичик бизнес субъектлари фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш элементларини ва улар ўртасидаги муносабатларни тадбиркорлик фаолиятининг турли босқичларига қараб мазмуан очиб беради. Яъни, фаолиятни йўлга қўйиш босқичида моддий, молиявий, институционал инфратузилма биринчи даражали аҳамиятга эга, ўсиш босқичида - ижтимоий ва маркетинг инфратузилмаси, етуклик босқичида - инновацион ва технологик, ахборот ва консалтинг инфратузилмаси ҳамда пасайиш босқичида - институционал, ахборот-консалтинг, маркетинг инфратузилмаси муҳим аҳамият касб этишини ифода этади. Бунинг мазмуни шундаки, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш босқичи тадбиркорлик тузилмасини шакллантириш билан тавсифланади, бу билан боғлиқ ҳолда у моддий шароитларни таъминлаш, ишлаб чиқаришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлашни талаб қилади.

Ўсиш босқичи тадбиркорлик тузилмаси фаолиятининг жадал ривожланишига эга, шунинг учун тўлиқ ижтимоий инфратузилмага эга бўлиш ва сотиш жараёни учун қулай шароит яратиш керак.


Етуклик босқичи бозорнинг тўйинганлиги сабабли рақобатнинг кучайиши билан бирга келади. Бундай ҳолда, бизнес тузилмасини инновацион ва технологик такомиллаштириш зарурати пайдо бўлади. Ушбу жараён инновациялар соҳасида ахборот ўзаро таъсирини таъминлайдиган ахборот ва консалтинг ёрдамига муҳтож бўлади.

Пасайиш босқичида айрим бизнес тузилмалари ишбилармонлик фаоллигининг пасайиши ва банкротлик туфайли бозорни тарк этади. Ушбу босқичда тадбиркорлик тузилмаси ахборот ва консалтинг, институционал ва савдо кўмагига муҳтож бўлади.

Юқорида келтирилган фикрларни инобатга олган ҳолда бизнинг таҳлилимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инфратузилмасининг самарали фаолият кўрсатиши бозор ва институционал таркибий қисмларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кичик бизнес субъектлари фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимининг самарадорлик моделини ишлаб чиқиш зарурлигини назарда тутди (2-расм).

Ишлаб чиқилган модел тизим ривожланишининг динамик хусусиятини ва кичик бизнес субъектларини инфратузилмавий қўллаб-қувватлашни тартибга солувчи институтларнинг ташқи муҳит омиллари сифатида таъсири характерини ҳисобга олиш асосида башоратлаш салоҳиятга эга бўлиши керак.

Шунингдек, таклиф этилаётган модел кичик бизнес субъектлари ривожланишини таъминлашда инфратузилма объектларининг алоҳида ролини ҳисобга олишни назарда тутлади.



2-расм. КБС фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини баҳолаш модели

Бу инфратузилма элементларининг кичик бизнес субъектлари ривожига таъсирини корреляцион таҳлил қилиш ва уларни инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимига киритиш даражаси бўйича рейтинг кўрсаткичлари ёрдамида ҳар бир кўрсаткичнинг салмоғини аниқлашга асосланади.


Таклиф этилаётган модел кичик бизнес субъектларини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимига муҳим элементларни киритиш кетма-кетлигини аниқлаш, инфратузилманинг ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш мезонларини мониторинг қилиш имконини беради, шунингдек, мақсадли прогнозлар асосида инфратузилма мажмуасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Шу билан бирга, ушбу моделнинг қўшимча афзалликлари бошқарув қарорлари учун муқобил вариантларни танлашнинг миқдорий ва сифат усулларида фойдаланган ҳолда турли инфратузилма элементларининг даражаларини аниқлаш имкониятини бериши, самарадорликни баҳолашнинг математик асослилиги ва башорат қилиш хусусиятининг мавжудлиги билан белгиланади.

Бугунги кунда бизнес инфратузилмасини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг алоҳида ўрни мавжуд. Чунки, рақамли иқтисодиётда муносабатлар рақамли технология ва воситалар орқали амалга оширилиши иқтисодий тежамкорликка олиб келдаи. Натижада бизнес субъектлари ва инфратузилма иштирокчилари ўртасида ўзар муносабатларда фаоллик ошади.

Шундан келиб чиқиб, кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича биз томонимиздан тегишли механизми ишлаб чиқилди (3-расм).

Бу механизм инфратузилмавий қўллаб-қувватлашнинг зарур мақсад ва вазифаларни белгилаш асосида ишлайди. Унинг алоҳида жиҳати рақамли иқтисодиёт шароитида ахборот технологияларини инфратузилма элементлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда муҳим восита сифатида доимий модернизация қилиб боришни назарда тутаяди.



3-расм. КБС фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш механизми

Ушбу механизм услубий ёндашувларни, уни амалга ошириш даражаларини аниқлаш, ресурс компонентини таҳлил қилиш (талаб қилинадиган маблағлар, ходимлар, моддий-техника воситалари) ва

давлат ва тижорат ташкилотлари билан тартибга солинадиган объектларга таъсир қилувчи тегишли воситаларни ўз ичига олади. Бизнес инфратузилмаси элементи сифатида ахборот технологияларининг устуворлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни доимий модернизация қилишнинг даврий босқичлардан иборат блоки шакллантирилди.

Хулоса

Шундай қилиб, кичик бизнес субъектларини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизими таркибида молиявий, ижтимоий, транспорт-коммуникация илмий-техникавий, институционал ва ҳуқуқий институтлар билан бир қаторда тадбиркорлик фаолияти инфратузилмасини воситачилик ва ахборотт институтлари ҳам тўлдиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Pope (2001). *Confronting Corruption: The Elements of National Integrity System*. Transparency International: London.
2. ILO (2002). “Creating a Conducive Policy Environment for Micro, Small and Medium Sized Enterprises in Pakistan.” SEED Working Paper No.29.
3. Ngwuonugu, A, B(2005). “Small and Medium Enterprises (SMEs) in Nigeria: Problems and Prospects, PhD Dissertation St. Clements University, Nigeria (unpublished).
4. Ganesh, L., Mehta, A(2010). Critical success factors for successful enterprise resource planning implementation at Indian SMEs, *International Journal of Business, Management and Social Sciences*, Vol.1, No.1, 2010, pp. 65-78.
5. Ivy (1997). “Entrepreneurship Strategies and Problems in Post Communist Europe: A Survey of SMEs in Slovakia.” *Journal of Small Business Management* 35(3): 93-98.
6. М.Машарипова. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий механизмлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2017 йил.
7. Бокарева, В.Б. Поддержка малого бизнеса: отечественный и зарубежный опыт социального управления/ Гуманитарные науки. - 2011. - №3-1. - С. 164-172.

Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali



+998 71 239 28 13

Tashkent, Uzbekistan

ilmiymaktab@gmail.com

www.laboreconomics.uz